


# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgz, uzss@yandex.ru • 2021 йил 2 апрель • №13 (1345)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И

## КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, “САХОВАТ” ВА “МУРУВВАТ” ИНТЕРНАТ УЙЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, охириги тўрт йилда 27 та тиббий-ижтимоий муассасаларда 267,2 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари бажарилди ва замонавий талабларга мос бўлган 1327 та ўринлар фойдаланишга топширилди.

Санаторийларда соғломлаштирилган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар сони 43 минг нафарни ташкил этиб, 20 фонзга ортди, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тақдим этиладиган асосий озиқ-овқат ва гигиена воситалари сони 15 тадан 19 тагача оширилди, ногиронлиги бўлган шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг рўйхати 22 турдан 27 тагача кўпайтирилди.

Одам савдосидан жабрланган 1024 нафар фуқарога тиббий-ижтимоий реабилитация ва психологик қўллаб-қувватлаш чоралари кўрсатилди.

Шу билан бирга, тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятидаги камчилик ва муаммолар кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни самарали ҳал этишга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

**биринчидан**, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида давлат қармоғига олинган шахсларга тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишни самарали бошқариш тизими етарлича шакллантирилмаган;

**иккинчидан**, ногиронликнинг олдини олиш ва тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати сифати лозим даражада эмас;

**учинчидан**, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга қулай шароитлар яратиш бўйича тиббий-ижтимоий муассасалар моддий-техника базаси ҳолатида бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда;

**тўртинчидан**, тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди;

**бешинчидан**, тиббий-ижтимоий муассасаларда маънавий-маърифий ва

маданий тадбирлар тизимли ташкил этилмаган;

**олтинчидан**, одам савдосидан жабрланганларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари ва психологик қўллаб-қувватлаш сифати етарли даражада эмас.

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя ва тиббий-ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилсин.

2. Белгилансинки:

Агентлик кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Агентлик ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди ва ҳисобот беради;

Агентлик директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

3. Қуйидагилар Агентлик тизимига ўтказилсин:

а) “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари, Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий ва пансионатлар, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация маркази;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

4. Қуйидагилар:

а) Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг, жумладан, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари ва уларнинг кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатиш бўйича фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий раҳбарлик қилиш;

ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказилишини ҳамда мутахассислар тайёрлишини ташкил этиш;

муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш фаолиятини ташкил этиш;

тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини илғор хорижий тажриба ва замонавий ривожланиш тенденциялари асосида таҳлил қилиш ва мониторинг қилиб бориш;

тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини мувофиқлаштириш;

ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этиш;

б) “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари ва уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ладан болаларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-ҳунар ўргатиш;

дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш тизимининг юқори малакали мутахассисларини жалб этган ҳолда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили икки марта диспансеризациядан ўтказиш, санаторийларда режали соғломлаштириш ва ихтисослаштирилган стационарларда даволашни ташкил қилиш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари (эшитиш аппаратлари, ногиронлар арава-вачалари, ҳасса ва қўлтиктаёқлар, юриш мосламалари), шахсий гигиена воситалари билан таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар, шу жумладан концерт дастурлари ташкил этиш орқали кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш;

кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг юртимиздаги диққатга сазовор жойлар ва зиёратгоҳларга ташрифларини ташкил этиш;

таълим муассасалари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари иштирокида маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш орқали ёшларни кексаларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш;

в) Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

одам савдосидан жабрланганларни қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек, озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий мослаштириш соҳасида хорижий мамлакатларнинг илғор методикаларини ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

одам савдосидан жабрланганларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб касб-ҳунар ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш;

нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан

(Давоми 2-бетда) ▶





Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИКЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН  
ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ,  
“САХОВАТ” ВА “МУРУВВАТ” ИНТЕРНАТ УЙЛАРИ  
ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

биргаликда кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактика ишларини ташкил қилиш;

одам савдосидан жабрланганларни **ижтимоий реабилитация** қилишда кўмаклашиш.

5. Қуйидагилар:

тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати сифатини ошириш, уларда маънавий-маърифий ва маданий тадбирларни тизимли равишда ташкил этиш, тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимига “аутсорсинг” асосида хусусий секторни жалб қилиш, тизим ходимларининг малака ва касб маҳоратини ошириш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришни назарда тутувчи **Давлат томонидан кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”** 1-иловага мувофиқ;

тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, **35 та муассасада 428 миллиард сўмлик** қурилиш-реконструкция ишларини олиб бориш ва уларни **40 миллиард сўмлик жиҳозлар ва техника билан таъминлаш**, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишларини ташкил этишни назарда тутувчи **Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича “йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик, вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари **“йўл хариталари”** да белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

6. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатининг:

раҳбар ва шифокорлар ойлик лавозим маоши **1,5 баробарга;**  
ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ойлик лавозим маоши

**2 баробарга;**

бошқа барча ходимлар ойлик лавозим маоши **1,2 баробарга;**

б) Агентлик марказий аппарати ходимларининг ойлик лавозим маошини 1,5 баробарга, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ҳамда Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий комиссиялари ходимлари ойлик лавозим маоши **1,2 баробарга;**

в) “Саховат” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-харажатлари учун камида тўланадиган ойлик пенсия миқдори

10 фоиздан **20 фоизгача** оширилсин.

7. Молия вазирлиги Агентлик билан биргаликда:

а) **уч ой муддатда** “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, Агентлик марказий аппарати, унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари, Республика тиббий-ижти-

моий экспертиза инспекцияси марказий аппарати, унинг ҳудудий комиссиялари ходимларининг ойлик лавозим маоши миқдори оширилиши билан боғлиқ харажатлар учун 2021 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиш учун “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин ҳамда 2022 йил Давлат бюджетини шакллантиришда мазкур харажатларни инobatга олсин;

б) “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг озик-овқат, шахсий гигиена ва дори воситалари таъминоти учун ажратиладиган маблағ миқдорини **2022-2024 йилларда босқичма-босқич ошириш**, шунингдек, 2021 йилда маҳаллий бюджетдан қўшимча маблағ ажратиш ҳисобига “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни шахсий гигиена воситалари билан тўлиқ таъминлашни молиялаштириш чораларини кўрсин.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича “йўл харитаси” да янгидан куриш ва реконструкция қилиш назарда тутилган объектларни 2022 йил ва ундан кейинги йиллар учун шакллантириладиган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш чораларини кўрсин.

Бунда тиббий-ижтимоий муассасаларни куриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш бўйича тайёрланадиган **лойиҳа-смета ҳужжатларида** муассаса фаолияти учун зарур бўлган **тиббий, физиотерапия ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш назарда тутилсин.**

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

**ўн кун муддатда** мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида тегишли ҳоким ва унинг ўринбосарларини “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида бириктирсин;

**бир ой муддатда** Агентлик билан биргаликда ҳар бир тиббий-ижтимоий муассасадаги шароитни ўрганиб, қўшимча бино куриш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш, ногиронлиги бўлган шахслар учун кўтариш платформалари билан таъминлаш, кутубхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фондиди бойитиш юзасидан ҳудудий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва ижросини таъминласин;

**уч ой муддатда** тегишли бинолар (хоналар), мебель, компьютер техникаси ва алоқа воситаларини ажратиш йўли билан Агентлик барча бўлинмаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлашнинг таъминласин;

**Молия вазирлиги** билан биргаликда **2021 йил 1 майга қадар** “Саховат” интернат уйлари ҳамда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторийларнинг ҳар

бирини **саёҳатга мўлжалланган автобуслар билан таъминлаш** учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан зарур маблағлар ажратсин;

**Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси** билан биргаликда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда туроператорлар ва турагентлар билан шартнома тузган ҳолда мунтазам равишда “Саховат” интернат уйларидаги кексаларнинг **республикамиздаги диққатга сазовор жойлари ва зиёратгоҳларга ташрифларини уюштирсин;**

тиббий-ижтимоий муассасаларни 2021-2024 йилларда босқичма-босқич зарур тиббий ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин; даврий равишда уйда яшовчи, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз кексалар ва фахрийлар ҳолидан хабар олиш ҳамда уларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш чораларини кўрсин.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида:

Агентлик ва Молия вазирликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** замонавий **физиотерапия бўлими ташкил этилишини** ҳамда муассасада мавжуд **тиббий ускуна ва жиҳозлар янгиланишини;**

2021-2022 йилларда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан **маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун янги бино қурилишини ва ушбу муассасага туташ ҳудудда Нуронийлар истироҳат боғи** ташкил этилишини таъминласин.

11. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси **икки ой муддатда** “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказлари ҳудудларида манзарали ва мевали дарахтлар экилиши, қўқаламзорлаштирилиши ва ободонлаштирилишини таъминласин.

12. Агентлик **уч ой муддатда:**

а) тиббий-ижтимоий муассасаларда қўшимча ва ёрдамчи функциялар (таом тайёрлаш, кир ювиш, тозалаш, техник хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация таъминоти ва бошқалар) “аутсорсинг” хизмати орқали амалга оширилишини жорий этиш тартибини тасдиқласин;

б) тиббий-ижтимоий муассасаларда пуллик хизмат кўрсатиш тартибини тасдиқласин, бунда:

“Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида шартнома асосида пуллик тиббий-ижтимоий хизматнинг кундузги қатнов ҳамда интернат тизими (ҳафтасига 6 кунгача келиш) ташкил этилиши;

тиббий-ижтимоий муассасаларда кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг **2 фоизи** миқдоридидаги маблағларни Агентликнинг бюджетдан ташқари ҳисобварақасига йўналтириш тартиби назарда тутилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) тиббий-ижтимоий муассасаларда ишловчи врач ва ўрта тиббиёт ходимларининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги таълим муассасалари ва тиббиёт марказларида бепул малакасини оширишни таъминласин;

б) тиббий-ижтимоий муассасалар ходимларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтказсин;

в) Агентлик билан биргаликда **бир ой муддатда** тиббий реабилитация тизимини тубдан яхшилаш ҳамда “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида чуқурлаштирилган тиббий кўриқ ўтказиш ва соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

Бунда, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлик кўрсаткичларини алоҳида дастур асосида мунтазам равишда баҳолаб бориш, уларни ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига бириктириш, бепул даволаш ва соғломлаштиришни йўлга қўйиш назарда тутилсин;

г) Агентлик билан биргаликда **икки ой муддатда** “Мурувват” интернат уйларида яшовчи беморлар учун олинандиган дори воситаларини қайта кўриб чиқиб, уларнинг рўйхатини тасдиқласин.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021-2024 йилларда туман (шаҳар) **тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимларида ишловчи ижтимоий ходимларнинг олий маълумот олиши учун** республика олий таълим муассасаларида **мақсадли** квоталар ажратилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва Агентликнинг **2021 йил май ойидан** бошлаб “Саховат” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни **ҳар йили бир марта** Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштиришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Агентлик Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан биргаликда:

**бир ой муддатда** “Саховат” интернат уйларида яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни 2021 йилда санаторийларда соғломлаштириш жадвалини;

**ҳар йили 1 октябрга қадар** кейинги йил учун “Саховат” интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни санаторийларда соғломлаштириш жадвалини тасдиқласин.

17. Тиббий-ижтимоий муассасаларга тиббиёт муассасалари, ўрта, профессионал ва олий таълим муассасалари 3-иловага мувофиқ бириктирилсин.

18. Агентлик **икки ой муддатда:**

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактаблари 10–11-синф ўқувчилари, профессионал ва олий таълим муассасаларининг талабалари ва ёшларнинг бириктирилган тиббий-ижтимоий муассасаларда **“икки авлод”** учрашувларини ташкил этиш, улар билан турли **маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, таълим муассасаларида ўтказиландиган “кексалар маърифа ти”** соатига таклиф қилиш;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И

# КЕКСАЛАР ВА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, “САХОВАТ” ВА “МУРУВВАТ” ИНТЕРНАТ УЙЛАРИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бириктирилган тиббий-ижтимоий муассасаларда ҳудудий тиббиёт муассасалари ва республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари шифокорлари томонидан кўриқлар ва соғломлаштириш ишларини ташкил этиш;

Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси билан биргаликда тиббий-ижтимоий муассасаларда концерт дастурлари, маънавий-маърифий, маданий тадбирларнинг йил давомида ўтказиб борилиши юзасидан режа-жадвални тасдиқласин ва ижросини ташкил этсин.

19. 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Агентлик тизимидаги “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйларида яшовчиларнинг сонидан катъи назар

1 нафардан кутубхоначи штат бирлиги жорий этилсин.

## 20. Агентлик:

а) Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари кутубхоналарини компьютер техникаси ва бошқа турдаги оргтехника, мебель, шу жумладан махсус мебель ҳамда тегишли кутубхона ускуналари билан жиҳозлаш бўйича талабларни тасдиқласин.

Бунда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатиш учун ўқув

залларини махсус компьютер жиҳозлари ва бошқа қўшимча воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилсин;

б) 2021 йил якунига қадар Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари кутубхона фондларини миллий ва жаҳон адабиётининг 100 та энг яхши асарлари (бестселлерлари), даврий нашрлар (газета ва журналлар) билан таъминласин;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, “Саховат” интернат уйлари кутубхоналарининг Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланишини ва улар учун Миллий кутубхона электрон ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминласин.

Белгилансинки, Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари кутубхона фондларини тўлдириш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ушбу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан таъминланмаган бошқа манбалар доирасида амалга оширилади.

Агентлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Қорақалпоғистон

Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тиббий-ижтимоий муассасаларнинг йиллик иш режасини тасдиқласин ва ижроси мониторингини олиб борсин.

22. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг қўламда ёритиб борилишини таъминласин.

23. Ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан: Агентлик директори зиммасига – тиббий-ижтимоий муассасаларни ривожлантириш, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш таъминлигини учун;

Соғлиқни сақлаш вазири А.Хаджибаев зиммасига – тиббий-ижтимоий муассасаларда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни соғломлаштириш ишлари ташкил этилиши учун;

Халқ таълими вазири Ш.Шерматов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошқулов ва Ёшлар ишлари агентлиги директори А.Саъдуллаев зиммасига – тиббий-ижтимоий муассасаларда кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолидан хабардор бў-

лиш ва ёш авлодни кексаларга нисбатан ғамхўрлик руҳида тарбиялаш ташкил этилиши учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига – тиббий-ижтимоий муассасалар қурилиши ва реконструкция қилиш ишлари сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ва уларнинг ҳудудлари ободонлаштирилиши, кексаларни юртимизнинг диққатга сазовор жойларига ва зиёратгоҳларга мунтазам ташрифлари уюштирилиши учун шахсий масъулият юклансин.

24. Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Ушбу Фармоннинг ўз вақтида ва натижалари ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Мазкур Фармон ижроси 2021 йил август ва 2022 йил январь ойларида кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ  
Тошкент шаҳри,  
2021 йил 25 март

◀ (Охири. Боши 1-2-бетларда)

## ЮРТИМИЗДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ОММАВИЙ ЭМЛАШ БОШЛАНДИ

Маълумки, бир йилдан ортиқ вақт мобайнида юрдошларимизга хавф солиб турган коронавирус инфекциясига қарши оммавий эмлаш тадбирларига 2021

йилнинг 1-апрелидан старт берилди. Бу эзгу мақсадли тадбирлар мамлакатимиз миқёсида шижоат ва фаоллик билан кўтаринки руҳда бошлаб юборилди.

### Маълумот ўрнида

Апрель ойи давомида Тошкент ва Нукус шаҳри ҳамда вилоятлар марказларидаги 219 та эмлаш пунктларида бир ойда 142,3 минг эмлаш ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, биринчи навбатда 65 ёшдан катталар ва коронавирус инфекциясини юқтириб олиш хавфи юқори бўлган тиббиёт ходимларини эмлаш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, сурункали касалликлари бор аҳоли вакиллари, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, қуролли кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини ҳам биринчи навбатда эмлаш режалаштирилган.



Мамлакатимизда эмлаш жараёнлари учун 4 минг нафардан ортиқ шифокор ва 11 минг нафардан ортиқ ўрта тиббиёт ходими жалб қилинган.

Таъкидлаш жоизки, аввалроқ юртимиз бўйлаб вакцинация жараёнларида ZF-UZ-VAC2001 — ўзбек-хитой вакцинаси ва Европанинг AstraZeneca вакцинасидан фойдаланишга тайёргарлик кўрилгани ҳақида хабар берган эдик. Эндиликда эса аҳолимиз ушбу вакциналарни қабул қилишмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда кўтаринки кайфият билан бошланган оммавий эмлаш тадбирлари кизгинлик билан давом этмоқда. Шундай экан, республикамиз тиббиёт муассасаларида илк бор бошланган оммавий эмлаш жараёнларини кузатдик, ҳудудлар билан эса телефон орқали му-

локотда бўлдик. Уюшқоклик билан бошланган мазкур тадбирлар тўғрисида жамоатчи мухбирларимиз биз билан боғланишиб куйидаги маълумотларни тақдим этишди:

### Эътибор беринг!

Мамлакатимиз бўйлаб 3 138 та эмлаш пунктлари ва 862 та ҳаракатдаги тиббий бригадалар фаолият олиб бормоқда. Ҳудудларга вакциналарни ташиш учун COVAX дастури доирасида 17 та авторефрижератор, 206 та юк ташувчи минивен ва 16 та енгил автотранспорт воситалари келтирилди.

—Эмлаш жараёнини бошлашдан олдин, эмлашга тайёргарлик ишлари олиб борилди. Поликлиникада 2 та эмлаш пункти ва Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида 1 та пункт ташкил этилди. Эмлаш ишларини 4 та бригада бажармоқда. Поликлиникага совуқлик занжирига риоя қилинган ҳолда, махсус машиналарда AstraZeneca ва ZF-UZ-VAC2001 вакциналари олиб келинди ва совутгичларга жойлаштирилди. Эмланганлар-

га барча шароитлар яратилди, эмлашдан кейинги кузатув хоналари ташкил этилди. Биринчи навбатда 65 ёш ва ундан катталар ва тиббиёт ходимларини эмлаш ишлари бошланди. Ҳар бир келган эмланувчи фуқаро шифокор томонидан кўриқдан ўтиб, эмлаш пунктида вакцина тор томонидан эмланди. Эмлангандан кейин, кузатув хонасида 30 дақиқа ичида шифокор то-

монидан кузатилди ва сўнг уйга жўнатилди. Мобил бригадалар томонидан ётиб қолган аҳолига уй шароитида эмлаш ўтказилди, - дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 7-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Нарзуллаева.

(Давоми. 6-бетда)



## Халқаро келишув

## ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси раҳбари Лианн Куппенс билан учрашди.



Абдуҳаким Хаджибаев пандемия даврида ЖССТнинг Ўзбекистонга бераётган ёрдами учун миннатдорлик билдирди, айниқса, юртимизга касаллик кириб келган вақтида беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсияларни ишлаб чиқишда

қўрсатган қўмағи сабаб минглаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлганини таъкидлади. Шунингдек, ташкилот қўмағи билан мамлакатимизга касалликка қарши курашиш учун гуманитар ёрдам берилгани, шифокорларимиз ва турли давлатларнинг кўплаб мутахассислари ўртасида видеоконференцалоқа ўрнатилгани, юртимизга "COVID-19"га қарши вакциналарнинг олиб келингани айтилди. Мулоқот давомида Л. Куппенс ташкилот ўзи яқин мамлакатда натижаларга эришолмаслиги, вазирлик билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш соҳасининг барча йўналишларида юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш мумкинлигини, шунингдек, Ўзбекистонда соҳани ислоҳ қилишда давом этиши

учун барча керакли ёрдамни беришига тайёр эканлигини айтди. Бундан ташқари, ЖССТнинг фаолияти тўғрисида батафсил гапириб, шу йилнинг 24 май–2 июнь кунлари сайёрамизнинг 194 нафар соғлиқни сақлаш вазирлари иштирокида бўлиб ўтадиган Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистоннинг ўз таклифлари ва позицияси билан чиқиши мумкинлиги ҳамда бу тадбир бошқа мамлакатларнинг шу соҳа вакиллари билан алоқа ўрнатиш учун ажойиб имконият бўлишини таъкидлади. Ҳозир эса вазирликда коронавирус ин-

фекциясини даволаш бўйича вақтинчалик тавсияларнинг навбатдаги нашрини тайёрлаш бўйича ишлар бошлаб юборилгани ва бунда ЖССТ мутахассисларининг амалий ёрдами керак бўлиши айтилди.

Лианн Куппенс ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси раҳбари Ханс Ключенинг Абдуҳаким Хаджибаев билан учрашиш нияти борлигини ва пандемия билан боғлиқ жаҳондаги вазият барқарорлаштириш билан йилнинг иккинчи ярмида уни расмий равишда бюрога таклиф қилишини билдирди.

Мулоқот якунида томонлар ҳар икки йилда бир марта Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўртасида тузиладиган ҳамкорлик келишувининг устувор йўналишлари, шунингдек, "COVID-19"га қарши кураш борасидаги асосий масалаларни муҳокама қилиб олди.

## ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ИНФРАТУЗИЛМАСИГА ЭГА МАМЛАКАТ, —

дейди Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Олган Бекар

Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Олган Бекар билан учрашди.

Вазир учрашув давомида давлатларимиз ўртасидаги кўптомонлама ҳамкорлик каторида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам алоқалар тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Бу борада тиббиётнинг трансплантация, кардиохирургия, соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш каби йўналишларда янада ривожланиш имкониятлари мавжудлиги эътироф этилди. Туркия Ўзбекистон билан фармацевтика ва тиббий буюмлар ишлаб чиқаришга инвестициялар жалб этиш, тиббий таълим ва икки мамлакат мутахассисларининг

ўзаро тажриба алмашиши каби қатор масалаларда яқин шерик ҳисобланади.

Фавқулодда ва мухтор элчи Олган Бекар ҳам ўз навбатида Ўзбекистон ва Туркия Соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасидаги ўзаро тизимли ва манфаатли ҳамкорликнинг аҳамиятини эътироф этиб, Ўзбекистон Туркия учун қулай соғлиқни сақлаш инфратузилмасига эга мамлакат экани, ҳали ҳамкорликнинг очилмаган уфқлари мавжудлиги, айниқса, тиббиёт соҳасидаги тадбиркорлик муҳити турк ишбилармонларини ўзига жалб этаётганлигини алоҳида таъкидла-

ди. Соҳага давлат-хусусий шериклик тизимининг таъбиқ этилиши аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали омили бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазири бу борада халқаро ҳамкорликка ҳар доим тайёрлигини билдирди. Шунингдек, вазир Сирдарё вилоятида Гулистон тиббиёт коллежи негизда Туркия Соғлиқ билимлари институтининг ташкил этилаётгани икки мамлакат учун ҳам қувонарли ҳодиса эканини айтиб ўтди.

Учрашув якунида Абдуҳаким Хаджибаев элчи Олган Бекарга, у орқали Туркия ҳукуматида коронавирус пандемиясининг кийин даврларидаги беминнат ҳамкорлик учун самимий миннатдорлик бирдирди.



Шунингдек, томонлар 31 март куни бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг видеоанжуман шаклидаги норасмий саммитида давлатларимиз Президентлари таъкидлаб ўтганларидек, бу саммит ҳам ўзаро ҳамкорликнинг янги истикболларини белгилаб беришига ишонч билдирдилар.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

ПОДПИСАН МЕМОРАНДУМ  
О СОТРУДНИЧЕСТВЕ

30 марта 2021 года состоялась церемония подписания Меморандума о сотрудничестве между федерацией «Ўзбек жанг санъати» и Центром поддержки здорового образа жизни и физического развития населения Республики Узбекистан.

Меморандумом предусматривается сотрудничество в проведении массовых мероприятий по пропаганде здорового образа жизни, борьбе с вредными привычками, развитии медицинской культуры населения, интеграции физкультурно-оздоровительного и спортивного массового движения в профилактической медицине. Предусмотрено проведение регулярных спортивно-оздоровительных мероприятий по предупреждению факторов риска неинфекционных заболева-

ний на основе международно признанных методологий.

Совместная организация и участие в профессиональном развитии кадров по вопросам формирования здорового образа жизни и профилактики неинфекционных заболеваний между федерацией «Ўзбек жанг санъати» и Центром поддержки здорового образа жизни и физического развития населения Республики Узбекистан представляют взаимный интерес.

Ибодат СОАТОВА.



## Имконият

## ПЕНСИЯ МИҚДОРИ 10 ФОИЗДАН 20 ФОИЗГАЧА ОШИРИЛАДИ

"Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида"ги Президент Фармони мувофиқ, 2021 йил 1 апрелдан:

- "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатининг:

► раҳбар ва шифокорлар ойлик лавозим маоши 1,5 баробарга;

► ўрта ва кичик тиббиёт хо-

димлари ойлик лавозим маоши 2 баробарга;

► бошқа барча ходимлар ойлик лавозим маоши 1,2 баробарга;

► Агентлик марказий аппарати ходимларининг ойлик лавозим маоши 1,5 баробарга, унинг худудий бошқармалари ва ту-

ман (шаҳар) бўлимлари ҳамда Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси марказий аппарати ва унинг худудий комиссиялари ходимлари ойлик лавозим маоши 1,2 баробарга;

"Саховат" интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатида яшовчи ёлғиз пенсионерларга шахсий сарф-харажатлари учун камида тулланадиган ойлик пенсия миқдори 10 фоиздан 20 фоизгача оширилади.

Уруш ва меҳнат фахрийлари

учун республика пансионатида замонавий физиотерапия бўлими ташкил этилади.

Шунингдек, 2021–2024 йилларда туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлимларида ишловчи ижтимоий ходимларнинг олий маълумот олиши учун республика ОТМларида

2021 йил 1 апрелдан "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйларида 1 нафардан кутубхоначи штат бирлиги жорий этилади.

Ғофиржон СОЛОМОВ,  
Андижон вилояти Пахтабод тумани адлия бўлими бошлиғи.

мақсадли квоталар ажратилади.

2021 йил май ойидан "Саховат" интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатидаги кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бир марта санаторийларда бепул соғломлаштириш ташкил этилади.



## Ислохот одимлари

Худудий соғлиқни  
сақлаш бошқармалари  
фаолиятидан



## ФТИЗИАТРИЯ ДИСПАНСЕРИ Фойдаланишга топширилди

Яқинда Зомин фтизиатрия диспансерининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Хаджибаев, Жиззах вилоят ҳоқими Э. Салиев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи О. Махмудова, Зомин туман ҳоқими А. Абдуғаниев, вилоят тиббиёт муассасалари, шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, Зомин туман фаоллари ва туман кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ушбу диспансерда сил касаллигини ташхислаш, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва профилактик ишлар амалга оширилади. Диспансер 40 ўринга (20 ўрин дориларга сезгир, 20 ўрин дориларга турғун) силни ўз вақтида даво-

лашга мўлжалланган.

Диспансер нафақат Зомин, балки кўшни Янгиобод, Зарбдор туманлари аҳолисига ҳам тиббий хизмат кўрсатади. Шунингдек, вилоят бўйича аниқланган дориларга турғун сил билан касалланган бемор-

ларга тиббий стационар хизмат кўрсатади.

Маълумот учун, ушбу диспансер Зомин тумани Ширин ҚФЙ, хушхаво Қудуқча қишлоғида жойлашган. Дастлаб, 1960 йилда худудда аҳоли орасида сил касаллиги авж олиб кетганлиги ва ўлим ҳолатлари кузатилганлиги муносабати билан, беморларни даволанишига шароит яратиш ва касалликни камайтириш мақсадида эски бино базасида ташкил этилган. Бунинг натижасида аҳоли орасида сил касаллиги ва ундан ўлим ҳолатларининг кескин камайишига эришилган.



Диспансер Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан замонавий тиббий асбоб ускуналари билан жиҳозланди.  
Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси  
Ахборот хизмати

## Маҳорат дарслари

## АЁЛЛАРИ БАХТ ВА ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

Республика соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эльмира Баситханова томонидан Қашқадарё вилоятининг бир қатор туманларида маҳорат дarsi тарзидаги семинарлар ташкил этилди.



Гузур тумани, Шахрисабз ва Қарши шаҳарларида ўтказилган мазкур семинарларда вилоятнинг барча худудлари тиббиёт бирлашмаларининг раҳбарлари ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари ишти-

рок этишди. Тадбирларда оналар ва болалар ўлимнинг олдини олиш борасидаги долзарб вазифалар, жойлардаги “Аёллар маслаҳатхоналари” ҳамда “Қизлар саломатлик марказлари” фаолиятини такомиллаштириш, маҳаллабай иш тизimini таш-

кил этиш, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”да қайд этилган, тиббий-ижтимоий муаммоси бўлган қатлам билан ишлаш бўйича батафсил сўз юритилди.

— *Биз нега оналар ва болалар ўлими борасидаги муаммоларимизни бартараф эта олмаямиз?* — дейди **Эльмира Баситханова**. — Чунки узок йиллар давомида тизимдаги чалкашликлар сабаб бирламчи бўғинда педиатрлар, болалар ва ўсмирлар гинекологлари, эмлаш ҳамширалари штатларини йўқотдик. Аҳоли ўртасида тиббий маданиятни оширишга, шунингдек, антенатал кузатув сифатига етарли эътибор қаратмадик. Афсуски, ҳали-ҳамон кишлоқларимизда, ҳатто шаҳарларимизда айрим ҳомиладор аёллар ой-кунни яқинлашганидагина туғруқхонада ишлайдиган “хола”сини эсга олади...

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда бизга жойларда “Аёллар маслаҳатхоналари” ҳамда “Қизлар саломатлик марказлари” фаолиятини ташкил этишни тавсия этган эди. Мана шу тизим самарали ишласа, соҳадаги кўпгина муаммолар ечимини топиш мумкин.

— *Дарҳақиқат, “Аёллар маслаҳатхоналари”да туғиши ёшидаги аёлларнинг саломатлиги борасидаги муаммолар ўз вақтида аниқланса, маҳаллабай ишлашга эътибор кучайтирилса, кўпгина ташвишларга ўрин қолмайди,* — дейди **Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг оналик ва бо-**

лалликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари **Роҳила Усмонова**. — Шунингдек, ўсмир қизларни ўсмирлар гинеколог кўригидан ўтказиш сингари нозик масалаларга менталитетдан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, бу борада кўпчиликда қотиб қолган нотўғри тушунчаларга барҳам бериш, “Қизлар саломатлиги марказлари” фаолиятида ҳамда бу борадаги тарғибот ишлари самарадорлигини оширишда мактабларимиздаги волонтер қизлар кучидан унумли фойдаланишимиз зарур. Семинарда бу борада керакли амалий тушунчаларга эга бўлдик.

Вазир ўринбосари, шунингдек, худудлардаги бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, уларда ташкил этилган “Саломатлик бурчаклари” ҳамда маҳаллабай ишлаш борасидаги ишлар билан танишди ва бу борадаги тадбирларни янада такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берди.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.

## ЯНГИ ТИББИЁТ МАРКАЗИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Наманган вилоятининг Давлатобод туманида яна бир янги «АНГИОМЕД даволаш маскани» МЧЖ тиббиёт маркази иш бошлади. Мазкур даволаш муассасининг очилиш маросимида Наманган вилояти ҳоқими Шавкатжон Абдуразақов, нуронийлар фаоллар, кенг жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва блоггерлар иштирок этишди.

Ушбу тиббиёт масканида қон-томир жарроҳлиги, замонавий лаборатория, нефрология, кардиология ва сўнгги моделдаги УТТ текширувлари мавжуд. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун инвесторлар томонидан 4,5 млрд. сўм маблағ сарфланди. Тиббий техникалар асосан АҚШ ва Европанинг таниқли ишлаб чиқарувчи компанияларидан келтирилган. Мазкур лойиҳани ишга тушириш орқали 20 та янги иш ўрни яратилди.



Тиббиёт муассасасида асосан қон-томир касалликлари билан оғриган беморлар даволанади. Шунингдек, ҳозирги кунда аҳоли орасида кўп учрайдиган вазиркоз касаллигини ҳам замонавий лазер усулида тигиз операсия орқали даволаш йўлга қўйилади.

Клиника фаолиятини йўлга қўйишда

мамлакатимиздаги Академик Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий маркази билан, Россия Федерациясининг Флебология муаммолари илмий текшириш институти Европа Иттифоқининг Ангиологлар Халқаро Уюшмаси (ИУА)нинг етакчи мутахассислари билан яқиндан

ҳамкорлик ва тажриба алмашинуви режалаштирилган. Ушбу йўналишлар бўйича мазкур ташкилотлар билан истиқболли ҳамкорлик меморандуми ҳам имзоланган.

Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.



## Саломатлигимиз ўз қўлимизда

ЮРТИМИЗДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ  
ОММАВИЙ ЭМЛАШ БОШЛАНДИ

**Тошкент шаҳри:**  
Жумладан, пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани “Чақар” маҳалласида жойлашган 47-сонли оилавий поликлиникада эмлаш жараёнлари давом этмоқда. Вакцина қабул қилишга келган фуқароларни тиббиёт ходимлари аввал тўлиқ тиббий текширувдан ўтказяпти. Эмлангандан сўнг бемор амал қилиши зарур бўлган тавсия ва маслаҳатларини бермоқда.

— *Эрта тонгдан эмлаш жараёнларини бошлаб юбордик. Учта махсус тайёр-*

*гарликдан ўтган шифокор ва ҳамширалардан иборат бригадаларимиз эмлаш тадбирларини амалга оширмоқда. — дейди шифохона бош шифокори Ни-луфар КУВНАКОВА. — Шифохонамиз 29 минг 132 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Эмлашнинг биринчи босқичида 6 минг 500 нафар аҳоли камраб олинади. Бизнинг ҳудудимизда 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли вакиллари 655 нафарни ташкил этади. Худудда диспансер назоратида бўлган 18 ёшдан 64 ёшгача бўлган фуқаролар 5 минг 368 нафар бўлса, тиббиёт ходимлари*

103 нафар, мактаб ва боғчада фаолият юритувчи кишилар эса 370 нафардан ортиқ ҳисобланади. Ушбу аҳоли вакиллари биринчилардан бўлиб эмланади.

Поликлиникага келиш имконияти бўлмаган беморлар учун махсус мобил тиббий ёрдам хизмати ҳам ташкил этилган бўлиб, улар фуқароларимизни уйларида бориб вакцинация қилишмоқда. Оммавий эмлашнинг биринчи кунни айни пайтга қадар 20 дан ортиқ фуқаролар эмланди. Кўплаб тиббиёт ходимлари қаторида ўзим ҳам कोरोनाвирусга қарши эмландим.



## Фарғона вилояти:



Фарғона шаҳридаги етита оилавий поликлиникада коронавирусга қарши

оммавий эмлаш тадбирлари бошланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган

контингент асосида биринчи босқичда 65 ёшдан ошганлар ва тиббиёт ходимлари эмланади.

— *Дастлабки кунда 70 нафардан ортиқ шахс эмланиши кўзда тутилган. Биринчи навбатда бемор шифокор кўригидан ўтилади, — дейди Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Муҳиддин Шокиров.*

— Агар унда қарши кўрсатма аниқланса, жараён кечиктирилади. Соғлом инсонга вакцина юборилгандан, сўнг 30 дақиқа кузатув хонасида назоратда бўлади. Вирусга қарши эмланганларнинг аҳолидан шифокорлар 3 кун мобайнида хабар олишади. Бирламчи вакцинацияни олгандан кейин, иккинчи босқич 12-24 кундан сўнг амалга оширилади.

Вилоят бўйича аҳоли электрон базаси асосида қа-

рийб 40 минг нафар шахслар AstraZeneca вакцинасини билан эмланиши режалаштирилган. Сўнгра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, мактаб ўқитувчилари, мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари эмланиши кўзда тутилган.

— *Коронавирус инфекциясига қарши вакцинани биринчилардан бўлиб кўнгилли равишда олдим. Жараён санитария-гигиена ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда ташкил этилмоқда. Унинг ҳеч қандай ножиё таъсирини сезмадим, — дейди 71 ёшли Авазбек ота Абдурахмонов.*

Шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Хусан Мамажонов ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси бо-

шлиғи Аҳмаджон Ёқубовлар мазкур поликлиникада бўлиб, жараён билан яқиндан танишдилар, вакцина олаётган фуқаролар билан самимий мулоқот қилдилар.

Эътиборлиси шундаки, Фарғона вилоятида биринчилардан бўлиб коронавирусга қарши вакцина билан Хусан Мамажонов ва Аҳмаджон Ёқубовлар ҳам шу ернинг ўзиде эмланди.

Маълумот учун, айни вақтда Фарғонага 77 000 доза Ўзбекистон–Хитой ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ZF-UZ-VAC2001 вакцинаси, шунингдек, 76 000 доза COVAX жамғармаси томонидан олиб келинган AstraZeneca вакцинаси келтирилган.

## Наманган вилояти:

Мамлакатимизда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам коронавирус инфекциясига қарши эмлаш тадбирлари бошланди. Наманган шаҳридаги 21 та эмлаш пунктларида эрта-лабданок вакцинациялашга киришилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жозки, мазкур муҳим тиббий тадбирга ҳар тамонлама пухта тайёргарлик кўрилди.

Соат 10.00 да янги амалиётга киришилди. Поликлиникага ташриф буюрган кексалар дастлаб шифокорлар кўригидан ўтишди. Саломатлиги қониқарли бўлган отахон ва онахонлар навбат билан эмлаш хонасига йўлланди. Ви-

лоятда биринчиларда бўлиб, Чорсу маҳалласида яшовчи, 87 ёшли Аҳмаджон ота Исмоилов ҳамшира томонидан юборилган вакцинани қабул қилди.

— *Мен ўтган йили коронавирус инфекциясига чалиниб, 45 кун касаллик азоб-уқубатларини тортдим. Шифокорларнинг беминнат хизмати туфайли оёққа турдим. Бу касаллик ўта хавфли эканлигини бошимдан кечирдим. Яратганга шуқурлар бўлсинки, коронавирусга қарши эмланганидан кунларга ҳам етдик. Шунинг учун вакциналаш бошланаётганлигини эшитиб, ўз ҳоҳишим билан поликлиникага келдим. Жуда ҳам хурсандман. Шифокорлар иззат-ҳурмат билан кутиб олиб, кузатиб қўйишди. Энди хавотирга ўрин йўқ, — дей-*

ди нуруний.

Ташкилий ишлар самараси ўларок вакциналаш тадбирлари зўр уюшқоқлик билан давом этмоқда. Бош шифокор Нафиса Турсункулованинг таъкидлашича, бугун 70 нафар хавф гуруҳидаги инсонлар эмлашдан ўтказилади. Тиббий тадбир бориши мутахассислар томонидан қатъий назоратга олинган.

— *Вакциналаш жараёнлари Наманганда белгиланган тартиб-қоидалар асосида амалга ошириляётганлигига гувоҳ бўлдик. Айниқса, фуқароларнинг фаоллиги тадбиролди тарғиботи изчил йўлга қўйилганлигини тасдиқлаб турибди, — дейди Санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати*



марказий аппарати иммунопрофилактика бўлими мудири Люция Николаевна Ким.

Маълумки, тиббий тадбирнинг биринчи босқичида вилоятда 106 минг нафардан зиёд 65 ва ундан ортиқ ёшдаги кекса-

ларни вакцинациялаш кўзда тутилган. Наманган вилояти бўйича 238 та эмлаш пунктлари ташкил этилган. 293 та эмлаш бригадаси ва 54 та мобил гуруҳлари иш олиб боради.

## Самарқанд вилояти:



Самарқандда биринчи бўлиб 86 ёшли отахон коронавирусга қарши эмланди.

◀ (Давоми. Боши 3-бетда)

Эргалабдан шаҳардаги 4-оилавий поликлиникада эмлаш жараёнига киришилди. Маълумотларга кўра, мазкур ҳудудда-

ги 4511 нафар 65 ёшдан юқори бўлган аҳоли рўйхатга олинган ва илк босқичда улар эмланади. Эмланаётганлар аввал кўрик хонасига кириб, соғлиги тўлиқ назоратдан ўтказилди, кейин эмлаш хонасида коронавирусга қарши эмлаш амалга оширилиб, кейинги – кузатув хонасига олиб кирилди. Самарқандда биринчи вакцина олган инсон Боғбон маҳалласида яшовчи 86 ёшли отахон Толиб Муродов бўлди.

— *Ўтган йили коронавирус хасталигини бошимдан ўтказдим, — дейди Толиб бобо. — Уйда даволангандим. Поликлиника шифокорлари соғлигимни назорат қилиб туришди. Вирусга қарши вакцина олишга бирин-*

чилардан бўлиб келдим. Соғлигимизни эҳтиёт қилишимиз, яқинларимизга оғирлигимизни туширмаслигимиз керак.

— *Айни пайтда вилоятда битта марказий, 16 та ҳудудий туман (шаҳар) вакцина сақлаш омборхоналари, улардаги совутгичлар, электрогенераторлар, термосумкалар ва термомонтейнерлар шай ҳолатга келтирилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Сухроб Зайниев. — Эмлаш ишларини амалга ошириш учун 411 та эмлаш пунктларига 180 та қўшимча хона ва 186 та ҳаракатдаги бригадалар ташкил этилди. Соғлиқни сақлашнинг*

бирламчи тиббий бўғини ходимлари, эмлаш жараёнида қатнашадиган 367 нафар врач ҳамда 724 нафар ўрта тиббиёт ходимлари махсус дастур бўйича ўқитилди.

Вилоятда асосан биринчи босқичда эмланганилар кексалар 168 минг 218 нафарни ташкил этади.

Вакцинация жараёнларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда бу жараёндаги турли хил гап-сўзларга ўрин қолдирмаслик мақсадида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи А.Бобожонов ва бир қатор тиббиёт ходимлари ҳам биринчилар қаторида эмланди.



Саломатлигимиз ўз қўлимизда

# ЮРТИМИЗДА КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ОММАВИЙ ЭМЛАШ БОШЛАНДИ

**Қашқадарё вилояти:**

—Вилоят марказидаги жами 8 та муассасадаги эмлаш пунктларида дастлабки босқичда эмлаш тадбирларига старт берилди, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси бошлиғи Тўхтамурод Пакиров. — Вакциналар тегишли тартибда совуқлик занжири қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда эмлаш пунктларига етказиб берилмоқда. Мазкур пунктларда эмлаш бўйича етарли малакага эга бўлган шифокорлар ва ҳамширалар фаолият олиб беришяпти. Қарши шаҳридаги 5-оилавий поликлиникада ҳам эмлаш тадбирлари самарали ташкил этилмоқда. —Поликлиникамиздаги эм-

лаш пунктида барча шароитлар яратилган, — дейди поликлиника бош шифокори Шомурод Назаров. — Жумладан, кўрув хоналарида эмлаш олди-дан фуқароларимиз тегишли тартибда кўриқдан ўтказилмоқда, улар билан мулоқотлар ташкил этилмоқда. Уларнинг қон босимлари, сатурациялари ўлчанаёпти. Эмлашга монелик қиладиган ҳолатлар кузатилса, бундай фуқароларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Анамнезида оғир аллергия реакциялари мавжуд бўлган шахсларни эмлаш тавсия этилмаяпти. Умуман, ҳар қандай ҳолатда ҳам эмлаш тўғрисидаги қарор тиббий кўрик натижасига кўра қабул қилинмоқда. Дастлабки босқичда поликлиникамиз хизмат кўрсатадиган ҳудуд бўйича 65 ёшдан ошган 1505 нафар кексалар, сўнг 2000 нафарга яқин тиббиёт ходимлари эмла-

нади. Барча босқичларда жами 8636 нафар фуқарони рўйхатга олиш кўзда тутилмоқда. —Мен ҳозиргина эмландим, энди кўнглим тўқ, — дейди Қарши шаҳри Худойзод маҳалласида яшовчи 74 ёшли Ўнгарбой бобо Сариев. —Дўхтирларимиз барака топишсин, эмлашдан олдин эринмасдан кўриқдан ўтказишди. Мана, кузатув хонасида эмлашдан кейинги ҳолатимизни ҳам назоратга олиб, ярим соат-бир соатдан кейингина уйга рухсат беришяпти. Шукур, ҳеч қандай салбий ҳолат кузатилгани йўқ. Давлатимизга минг раҳмат. Мана шундай қиммат турадиган вакциналарни келтириб, барчани бепул эмлашни ташкил қилиб қўйибди. Уйга бориб, фарзандларим, набираларим, қариндошларим, кўни-кўшнларим, маҳалладошларимга ҳам тавсия қиламан. Ўтган



йилгидек ташвишли кунларимиз қайталанмаслиги учун ҳам барчамиз эмлаш тадбирларида фаол қатнашишимиз зарур. Энг муҳими, Ўнгарбой бобо сингари эмлаш тадбирларида иштирок этаётган фуқароларимизнинг кайфиятлари юқори. Улар коронавирусга қарши вакцинация ўз саломатликлари,

хонадонлари, маҳаллалари, пировардида юртимиз тинч-хотиржамлиги учун нечоғлик қатта аҳамиятга эга эканлигини англаб етган ҳолда эмлашда фаол қатнашишяпти, шу билан бир қаторда мазкур тадбирнинг фаол тарғиботчисига ҳам айланишмоқда.

**Қорақалпоғистон Республикаси:**



Қорақалпоғистонда коронавирусга қарши вакцинация жараёни бошланди. Бунда биринчи навбатда тиббиёт ходимлари ва 65 ёшдан ошган фуқаролар эмланади. Улар юртимизга олиб келинган AstraZeneca ва хитой-ўзбек ZF-UZ-VAC2001 вакциналаридан бирини танлаши мумкин.

Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 9 та оилавий поликлиникада фуқаролар коронавирусга қарши вакцина олишни бошлади. Поликлиникаларда ташкил этилган эмлаш пунктларида рўйхатдан ўтиш, вакцина олиш, кузатиш ва тиб-

бий ёрдам кўрсатиш хоналари тайёрлаб қўйилган. Унга кўра, вакцина олиш келган фуқароларнинг тана ҳарорати, қон босими ўлчаниб, тегишли тартибда тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунинг билан бирга, поликлиникаларда кузатиш хонаси ташкиллаштирилган бўлиб, фуқаро эмланганидан сўнг 30 дақиқа давомида шифокорлар назоратида бўлди, ундан кейин уларга жавоб берилди. Вакцинадан ножўя таъсир кўрганларга тез тиббий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, вакцина олиш истагини билдирган, аммо эмлаш пунктига келиш имкони-

яти бўлмаган фуқаролар учун махсус тиббий бригадалар хизмат кўрсатмоқди. Вакцина олган фуқарода ҳарорат кўтарилиши, бош оғриғи, ҳолсизлик, бош айланиши каби аломатлар кузатилса, биринчи галда участка шифокори ёки ҳамшираси, иммунолог ва вакцинадорларга мурожаат қилиши мумкин. Уюшқоқлик билан бошланган мазкур тадбирда 65 ёшдан юқори бўлган фуқаролар ва тиббиёт ходимларида эмлаш ишлари бошлаб юборилди.

**Тошкент шаҳар 1 – сон болалар клиник шифохонаси:**



Ҳар қандай вакцина инсон организмда иммунологик хотира пайдо қилади. Шу жумладан, коронавирус инфекциясига қарши юборилган вакцина ёрдамида вирусга қарши курашувчи Т- ва В-лимфоцитлар пайдо бўлади ва ҳимоя қилувчи анти таначалар ишлаб чиқарилади.

Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонасида COVID-19 инфекциясига қарши вакцинация Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлаган режа асосида 2021 йил 1-апрелда бошланди.

Юқиш хавфи жуда юқори бўлган шифохонада фаолият юритувчи тиббиёт ходимлари, шу жумладан, 65 ёшдан ошган (65-74, 75-84, 85 ёш ва ундан катта) тиббиёт ходимлари ҳам вакцинация муолажасини қабул қилишмоқда.

Хурматли шифокорлар, янги тожсимон вирус (COVID-19) инфекциясидан сақланиш ва унинг тарқалишига қарши курашишда аҳолидан қимматли тавсияларингизни аямангиз.

**Андижон вилояти:**



Андижон вилоятида коронавирус инфекциясига қарши эмлаш жараёнларидан фотолавҳалар.

Таъкидлаш жоизки, 2021 йилнинг 1-апрель куни мамлакатимизда оммавий эмлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбирлардан кўриниб турибдики, халқимизнинг ўз саломатлигига бўлган эътибори кўзга ташланади. Айниқса, ёши улуг отахону ва онахонларимиз ҳамда тиббиёт ходимларининг бу жараёндаги фаолликлари таҳсинга лойиқдир.

Зеро, бундай ўз нуфузига эга бўлган кенг миқёсдаги оммавий эмлаш тадбирлари албатта, ўзининг самарали натижаларини беришига ишончимиз қомилдир.



## Мутахассис маслаҳати

## КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ КАТТА МУАММОСИ

Тунги маҳал пешоб тутолмаслик тиббиётда энурез хасталиги дейилади. Касаллик катталар ва болаларда ҳам кузатилиши мумкин. Маълумотларга кўра, мазкур дарднинг болаларда қайд этилиш фоизи юқорирок экан.

Хўш, энурез хасталигига неча ёшдан ташхис қўйилади? Пешоб тутолмасликка бошқа омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкинми? Энурез хасталигига неча ёшдан ташхис қўйилади? Бу каби саволлар ҳаётимизда тез-тез учраб туради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, болаларда пешоб қилиш акти марказий асаб тизими орқали бошқарилади. Унинг тўлиқ шаклланиши 3-4 ёшларига тўғри келади. Агар шу ёшдан кейин ҳам тунда бу ҳолат кузатилса, баъзи касалликлар аломати ёки марказий асаб тизимида пешоб қилиш актининг тўлиқ шаклланишидан дарак бериши мумкин.

**Бунда:**

► *бола 1 ёшгача уйқусидан уйғонмай ўрнини ҳўллайди;*

► *2 ёшдан ошгач, ўрнини ҳўллаб қўйганини сезиб, уйғона бошлайди;*

► *3 ёшдан кейин ҳам тунда бундай ҳолат мунтазам давом этадиган бўлса, энурез ташхиси қўйилади.*

► *4-8 ёшдаги ўғил-қизларда ҳам энурез пайдо бўлиши мумкин. Ҳатто илгари кузатилмаган бўлса-да, бирор касаллик асоратидан юзага келиш эҳтимоли бор.*

Фарзандининг пешоб ту-

толмаслиги шикоятлари билан келган ота-оналар муҳим қоидадан ёшда тутишлари керак. Касаллик тўғри даволаниши учун келиб чиқиш сабаби аниқланиши шарт.

Бунда бола ўрнини ҳўллаб қўйиши қачондан бошланиши, қанча вақт давом этапти, туннинг қайси вақтида, қолаверса, фарзанднинг уйқуси сергакми ёки ҳаддан ташқари каттикми, ота-она шу каби саволларнинг жавобини билиши лозим. Шундан кейингина боланинг УТТ тахлили ўрганилиб, жавоблар билан таққосланади.

Кечки пайт пешоб тутолмасликка бошқа омиллар ҳам сабаб бўладими? УТТ тахлилида ҳеч қандай ноқислик топилмаса ва боланинг уйқуси каттик бўлса, демак, қовуғи тўлган маҳал унда пайдо бўладиган импульс марказий нерв тизимидаги пешоб қилиш марказини уйғота олмаяпти. Бу эса қовуғи тўлганидан сўнг бўшалиш жараёнининг назоратсиз содир бўлишига олиб келади.

Бундай ҳолатларда махсус дори препаратлари ёрдамида марказий нерв тизимида борадиган импульслар кучи орттирилиб, орқа мия ўтказувчанлиги оширилади. Даволанишдан сўнг марказий нерв тизимидаги

марказ эрта қўзғалади ва бола пешоб қовуғдан ажралмасидан уйғонади.

**ФАРЗАНДИНИНГ КОЙИШДАН КўРА УНГА КўМАКЧИ БўЛИНГ**

Энурез хасталигининг келиб чиқиш сабаблари қуйидагича:

Бола туғилганидан кейин унинг ички аъзолари, нерв тизими тўлиқ шаклланиб улгурмаган ҳолатларда энурез 6-7 ёшгача ўтиб кетиши мумкин. Шундай бўлса-да, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиш, муаммо сабаби ҳақиқатан шундами ёки бошқа касалликлар билан боғлиқлиги борми, шунини аниқлаштириш керак. Акс ҳолда касаллик тобора авж олиб, жиддий асоратларга олиб келиши ҳеч гап эмас.

Пешоб найининг қовуқ билан туташган жойи сигментида махсус мушаклар бўлиб, уларнинг вазифаси қовуқ тўлганида пешоб суюқлигининг ташқарига чиқиб кетмаслигини таъминлашдир.

Ҳоҳида энурезнинг сабаби ана шу мушаклардаги норасолик ҳам бўлиши мумкин. Бунда бўшашиб кетган мушаклар кенгайиб, тонусини йўқотади.

Энурезнинг давоси ҳар бир бола учун индивидуал бўлади. Муолажанинг кечиси ҳам турли муддатларга чўзилиши мумкин. Ота-оналар қўшимча шундай тавсиялар беришимиз мумкин.

**Фарзандининг тунда қийналаётганини кўрган ота-она**



**уни койигандан кўра унга кўмаклашиши лозим. Бунда уларга қуйидаги кўрсатмалар қўл келади:**

► *пешоб ажрალიшини назорат қилиши учун сезги рефлексини пайдо қилиш ва уни мунтазам сақлаб қолиши керак. Бола соат нечада ухлашга ётганидан қатъий назар, ҳамини бир вақтда уйғонишга ўргатиш лозим. Бола уйқусирамай, ҳушига келгачина ҳожатга бориши мумкин. Ана шунда сергаклик пайдо бўлади;*

► *шифокор буюрган препаратларни айтилган муддатида ва белгиланган соатда ичириш шарт;*

► *қун тартибини тўғри тақ-*

*симлаш даркор. Бола вақтида уйнаши, телевизор томоша қилиши ва дам олиши зарур;*

► *уйқу олдида суюқлик ичириши тавсия этилмайди.*

Айниқса, газли ичимликлар буткул тақиқланади.

Болақай шунда ҳам ўрнини ҳўллаб қўяётган бўлса, ўзбилармонлик билан турли муолажалар қилиш ман этилади. Айниқса, эритилган думба ёғини суртиб, белни ўраб қўйиш мумкин эмас.

Ёғ суртиш муолажаси фақат 2 соатгагина бажарилиб, ундан сўнг ўша соҳа спирт эритмаси билан артилиши керак. Йўкса, тери катаклаи беркилиб, нафас ололмайд.

Жуманазар БЕКНАЗАРОВ,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

## Здоровье

## ПИТАНИЕ В ДЕТСТВЕ ВЛИЯЕТ НА ФОРМИРОВАНИЕ ЛИЧНОСТИ

Питание в детском возрасте влияет на формирование полноценной, успешной личности со здоровым целеполаганием, детям не хватает витамина D, омега-3 жирных кислот, йода, цинка, магния, заявил доктор медицинских наук, эксперт Михаил Гинзбург.



"При неправильном питании получаем неполноценное умственное и физическое развитие. Речь, конечно, не идет об умственной неполноценности, речь идет о том,

что человек становится менее успешен", - заявил Гинзбург в ходе круглого стола "Здоровое питание - детям". Он подчеркнул, что эксперты видят связь между неправильным питанием и настроением, склонностью к депрессии. Ожирение в детском возрасте - это стопроцентный предиктор ожирения во взрослом возрасте. Ожирение у ребенка обязательно перейдет во взрослое состояние. Мы мало пока говорим о дефицитности детского питания и влияния питания на развитие. Когда мы говорим, что много детей начинают рано курить, рано приобщаются к алкоголю и так далее, я эту проблему вижу именно в том, что питание неполноценное, неправильное, не позволяет ребенку сформироваться с нормальным целеполаганием", - пояснил он.

По его словам, детям сейчас не хватает витамина D, омега-3 жирных кислот, не хватает йода, цинка, магния. Все это содержится в адекватном питании, когда в нем достаточно рыбы, морепродуктов, зелени, круп, мы получаем полноценную личность", - отметил Гинзбург. Он также видит проблему в отсутствии продвижения правильного здорового питания в школах. "Есть агрессивный фаст-фуд, агрессивные маркетинговые кампании производителей "детских завтраков", где много жира, трансжиров, сахара. Это большая проблема, пока мы молчим, это поле занимают люди с, на мой докторский взгляд, нездоровым предложением", - добавил Гинзбург. Нужно через школы и детские сады предлагать семьям здоровое питание, подчеркнул он.



"Самый большой миф здорового питания то, что оно якобы дороже среднестатистического питания, это не так, оно не дороже, просто оно требует определенного навыка, определенной привычки", - резюмировал эксперт.

РИА Новости.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилмиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)  
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг  
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома  
рақами 0015.

Газета материаллари тахририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 873 нусха.  
Буюртма Г-440

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Намоз Толипов.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.